
Биз, албатта биргамиз: эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари давом этмоқда

Карантин даври ҳалқимизни янада бирдамликка ундамоқда. Айни кунларда фуқароларимиз дардига далда бўлиш ҳамда уларнинг ёлғизлатиб қўймаслик мақсадида Ўзбекистон туманида ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш [маркази](#) самарали фаолият кўрсатмоқда.

Саҳоватпеша инсонлар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа муассасалар томонидан марказга тақдим этилаётган хайрия ёрдамлари манзилли рўйхатлар асосида маҳаллалардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган ва яқка-ёлғиз фуқароларга етказиб берилмоқда.

Кеча, 18 апрел куни ҳам марказ томонидан тумандаги ана шундай оилалардан **45 тасига** секторлар кесимида бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

Туманда коронавирус пандемиясининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-19 16:22:16